

**Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат  
мактабгача таълим ташкилотида аутсорсинг усулида соғлом  
овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисида  
3-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил 8 январ

Қарши шаҳар

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган “**Вакт Завки**” МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари **С.Джураев** бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи деб аталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи **Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими** номидан мудири **Б.Муминов** иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) куйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартноманинг предмети**

1.1. Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 2-сонли ДМТТ, 9-сонли ДМТТ, 13-ДМТТ, 22-сонли ДМТТ, 28-сонли ДМТТ, 32-сонли ДМТТ, 33-сонли ДМТТ, 37-сонли ДМТТ, 45-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонўшга, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома МТБ тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартноманинг умумий қиймати 2-сонли ДМТТ, 9-сонли ДМТТ, 13-ДМТТ, 22-сонли ДМТТ, 28-сонли ДМТТ, 32-сонли ДМТТ, 33-сонли ДМТТ, 37-сонли ДМТТ, 45-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисобидан шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нарҳларига мувофиқ **196 800 000 (Бир юз тўқсон олти миллион саакиз юз минг) сўми** ташкил этади.

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

Шартноманинг ойма-ой тўлов жадвали 1-иловада келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария қондалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нарҳлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.5 **Ҳақиқатда қўрсатилган хизматлар қиймати**- бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактураларда акс эттирилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган хизматлар қиймати, бунда санитария меъёрларига асосан бир тарбияланувчига тўғри келадиган меъёр асосида таомнома бўйича сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар бир тури бўйича миқдорини ўртача бозор нарҳларига қўпайтириб (хокимият томонидан тасдиқланган нарҳлардан ошмаган ҳолда) қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳамда кўрсатилган хизматлар учун 20 фоизгача устама ҳаққи билан ҳисобланган қиймат. Ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар қийматининг асоссиз равишда шартнома суммасидан ошишига қўйилмайди.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсернинг ҳуқуқлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида ҳудудий давлат санитария эпидемиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Ташкилот ошхонасини видео кузатув мосламалари билан жиҳозлаш ҳамда онлайн тарзда кузатув жараёнин йулга қўйиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

2.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш**

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб 15 фоиз миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

#### **IV. Шартнома бўйича жавобгарлик**

4.1. Аутсорсер қуйидагиларга жавобгардир:

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айниган ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкани бут сақланishi ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

4.2. Буюртмачи қуйидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль-ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олиншини таъминлашга.

4.3. Аутсорсер томонидан овқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширмаса ёки Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.1 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

#### V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

#### VI. Бошқа шартлар

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар инзолар тегишли ҳудуддаги иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик оўқатлантириш амалдаги Санитария қондалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

#### VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 январга қадар амалда бўлади.

#### VIII. Томонларнинг реквизитлари

##### Аутсорсер

«Вакт-Завқи» МЧЖ

Манзили: Қарши ш 4 м/т Чулқувар МФЙ

Тел/факс: +99891 954-83-97

Х/р: 20208000400828103001

Банк: Қарши шаҳар ЎзСҚБ

МФО: 00854

ИНН: 305214623



Раҳбар:  Е.Жураев

##### Буюртмачи

Қарши шаҳар Мактабгача таълим бўлими

Манзили: И.Каримов кўчаси 405 уй

Тел/факс: 226-28-23, 226-12-67

Ш/хр: 100022860104017091100251042

ИНН: 305154445 ОКОНХ: 85100

Ўз. Рес. Молия вазирлиги Газначилиги

Х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Банк : Тошкент ш Марказий банк ХККМ

Раҳбар:



Б.Муминов